O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI
INV. №

INSON MANFAATLARI — OLIY QADRIYAT
O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL DEMOKRATIK PARTIYASI
KUCH ADOLATDADIR
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 29 февраль, жума. № 09 (661)

ADOLAT

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2 март – Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул қилинган кун

ҲАМКОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

БМТ жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот. Уни халқаро ҳакам, дунё минбари, жаҳон ҳамжамиятини тинчлик ва ҳамкорлик йўлида бирлаштирувчи куч, дейиш мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганлиги – бу бутун дунёдаги давлатлар ва халқларнинг иккинчи жаҳон уруши оқибатларидан сабоқ олиб, ер юзида тинчликни сақлаш мақсадида кучларни ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш борасида эришган катта ғалабаси эди. Унинг зиммасига жаҳондаги вазият ва дунё халқлари тақдири билан боғлиқ ўта масъулиятли вазифалар юкланган.



БМТда вазифаларнинг бутун масъулияти Бош Ассамблея билан Хавфсизлик Кенгаши масъуллигида. Бош Ассамблея – ташкилотнинг асосий маслаҳат органи. Бу ижро органи БМТ Котибиятининг сиёсати ва фаолиятини белгилайди. Ҳар йили сентябрь ойида Бош Ассамблея сессияси очилиб, унда жўнроқ масалалар бўйича қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ўта муҳим халқаро масалаларни ҳал этишда эса овозларнинг учдан икки қисми зарур бўлади. Шунинг учун ҳам Бош Ассамблея сессияси фикр баён қилишда давлатларнинг раҳбарлари учун энг катта халқаро минбар.

Ташкилотнинг жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилган тезкор ҳамда самарали саъй-ҳаракатларини таъминлашдек ўта масъулиятли вазифа Хавфсизлик Кенгаши зиммасида. Унда бешта доимий (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия, Хитой) ҳамда Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланадиган доимий бўлмаган аъзолар бор. Доимий аъзолар "вето", яъни қабул қилинаётган қарорни рад этиш ҳуқуқига эга бўлиб, доимий бўлмаган аъзолар овоз беришда бундай ҳуқуқга эга эмаслар.

Бир неча йилдан бери БМТ тузилмаларини ислоҳ қилиш тўғрисида гап боряпти. Бироқ, ҳали амалий қадам қўйилмаяпти. Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул қилинганидан кейиноқ кўп ўтмай жиддий таклифлар билан чиқди. Жумладан, Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари сафини кенгайтириш, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун Бош котиб ваколатларини кучайтириш, зиддиятли вазиятлар олдини олиш ва уларни бартараф этишни кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини мустаҳкамлаш юзасидан амалий таклифлар киритди. Бу таклифлар ҳамон кун тартибидан тушгани ёки ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Аксарият ҳолларда БМТ қабул қилган қарорларнинг, айниқса, Хавфсизлик Кенгаши резолюцияларининг бажарилишини таъминлаш қийин кечмоқда. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон таклифи жуда ўринли ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Умуман, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигига келсак, бу ҳамкорлик 1992 йилнинг мартидан бери тобора мустаҳкамланиб, янги маъно-мазмун билан бойиб бормоқда. Айниқса, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланиб Тошкентда ўтказилган семинар-кенгаш халқаро миқёсда катта акс садо берди. Унда БМТнинг махсус делегациясидан ташқари Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатларнинг юқори мартабали делегациялари, шунингдек, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмаларнинг вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда муҳим тарихий ҳужжат – Баёнот қабул қилинди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳамкорлиги ва хатти-ҳаракатлари фақат Марказий Осиё минтақаси, хусусан, мамлакатимиз манфаатига хизмат қилибгина қолмай, балки БМТ дунё кун тартибига киритган масалаларни ҳал этиш ишига қўшилган муносиб ҳисса ҳамдир.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ – ТАРАККИЁТ ОМИЛИ

"ФОТОН" БЕЛГИСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС СИФАТИ, ИШОНЧЛИЛИГИ БИЛАН МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИГА САЗОВОР БЎЛГАН.

Ташкил топганига 65 йил бўлган корхона бугун ўз салоҳиятини тиклаб олди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиз бозорларини таъминлабгина қолмай, Россия ва Украинага ҳам экспорт қилинмоқда.

– Кенг тармоқли электрон-техника асбоблари ва интеграл микросхемалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамизда 739 киши меҳнат қилади, – дейди жамият раиси ўринбосари Аҳмаджон Раҳматов. – Кейинги йилларда ички бозорга импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар чиқаришга интилаяпмиз. Шу мақсадда оқ-қора ва рангли телевизорлар, электрон тарозилар, назорат-касса аппаратлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхонамизда, ҳаттоки, янги технологиялар асосида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи ускуналар ҳам ишлаб чиқарилаяпти. Келгусида эса DVD электрон аппарати, уй кинотеатрлари ва бошқа экспортбоп маҳсулотлар, замонавий электротехника воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида россиялик инвесторлар билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, корхонанинг хорижлик ҳамкорлар билан алоқаси ўз самарасини бермоқда. Масалан, Дания, Бельгия, Германия каби давлатлар тажрибалари ўрганиб чиқилгани боис, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш борасида бирмунча ютуқларга эришилди. Ҳам арзон, ҳам қулай ва тежамкор фотоэлектрон асбоблар, шамол генераторлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро ва Жиззах вилоятларида фотэлектрон станциялардан фойдаланилмоқда.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

"Наврўз-2008"

ЁШЛИК – БЕҒУБОР, ОБОД ВА ОЗОДА ФАСЛ

Юртимизга яна Наврўз келмоқда, она диёримиз тароват ила безанмоқда. Ушбу латофатли айёмни кутиб олиш учун қизғин тадорик кўрилмоқда, халқимиз катта сайилга шайланмоқда.

Жорий йилда бу қадимий айём диёримизнинг барча гўшаларида ҳар галгидан ҳам фусункор ва кенгроқ миқёсда бўлиб ўтади. Наврўзни гавжум сайилгоҳларда нишонлаймиз. Шодиёналар шодиёналарга уланади.

Баҳор яхши келса, қуриган терак ҳам куртак отади. Ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибаси ва кўп йиллик кузатишларини ифодаловчи ушбу мақол Алишер Навоий ҳазратлари томонидан шундай назм этилган:

Улус чеҳраи олам афрўзидин,
Билур йил келишин Наврўзидин.

Илк баҳор нафасиданоқ яшнаб-яшариб бораётган юртимизнинг ҳусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий меъморчилик асосида қад ростлаган муаззам ва гўзал бинолари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку тароватли қиёфаси, кексаю-ёш ватандошларимиз чеҳрасидаги шукроналик ва мамнуният – буларнинг барчаси йилнинг яхши келишидан дарак бериб турибди.

Ҳадемай, анвойи гуллар кўзларни қувнатиб, булбуллар хониши руҳларга ширин сафо ва куч-қудрат ато этажак. Баҳор ёмғирлари, жилға ва сойларнинг ўйноқи сувлари тан ва руҳни поклайди. Табиат – кўзгу, инсон унда ўзини кўради, дейди донишлар. Бундай фарахбахш кезларда киши қайта туғилгандек, яшаргандек ҳис этади ўзини.

Ёшлар-чи? Умрнинг баҳорига – гўзалликнинг сеҳрли оламига ошно ёшларимизнинг қувончи, ҳеч шубҳасиз, бундан-да чексиз. Чунки баҳор – ёшликка, ёшлик – баҳорга зеб. Баҳор, Наврўз ва Ёшлик - орасталик, гўзаллик, беғуборлик ва покизалик тимсолларидир. Айниқса, жорий йилнинг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан Ёшлар йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга беқиёс шодлик, ғурур ва ифтихор бағишлади, ўзига ишончни янада мустаҳкамлади, ҳиммат ва ғайрат камарини янада маҳкамроқ боғлашга руҳлантирди.

Ёшликни пардоз-андоз билан топиб бўлмайди. Ёшлик – пардозсиз ҳам гўзал ва покиза давр. Айни чоғда, "Поклигинг – соғлигинг", "Соғ юрай десанг, озода бўл" каби мақоллар кишини доимо ораста, покиза ва озода бўлишга даъват этади. Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино "мен қолдириб кетаётган зўр табибларимнинг бири – тозаликдир", деган эканлар.

Халқимизнинг ана шу асрий ҳикматлари билан Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбияси устувор вазифа деб белгиланган орасида ажиб бир уйғунлик, ҳамоҳанглик мавжуд. Зеро, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятни авваламбор ўзимиз учун, униб-ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришга қодир фарзандларимиз учун қурмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда)

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН: ВАКОЛАТ ЕТАРЛИ, ТАШАББУСКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИ-ЧИ?

"Адолат" СДП Самарқанд шаҳри Кенгаши IV Пленуми "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонунни ҳаётга тадбиқ этиш масаласига бағишланди.

Пленумда шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Мамаюсуф Салимовнинг шу мавзуга бағишланган маърузаси тингланди. Нотиқ анжуман иштирокчиларини сиёсий фаолликка, нодавлат ташкилотлар, демократик институтлар билан ҳамкорликни кучайтиришга ундади. Музокораларда сўзга чиққанлар партия ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий Қонун партия дастурий ғоялари ижросини таъминлашда, ҳудудий Кенгаш нуфузини оширишга хизмат қилишини таъкидлашди.

Хўш, Конституциявий Қонунни амалга тадбиқ этишда сиёсий партияларнинг иштироки қандай бўлмоқда? Бу борада нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликнинг самараси ҳақида гапириш мумкинми?

Мухбиримиз шу каби саволлар билан пленум иштирокчиларидан бир гуруҳини суҳбатга чорлади.

Ҳайдар ИСЛОМОВ,
"Адолат" СДП вилоят Кенгаши иккинчи котиби:

– Давлат бошқарувини ислоҳ этиш, мамлакатни модернизациялаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми. Бу жараёнда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши эса демократик институтларнинг янада фаоллашувига, юрт тақдири учун масъулиятни оширишга, ватандошларимизда эркин фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилади, албатта.

Конституциявий Қонун шу йилдан эътиборан кучга кирганини инобатга олиб, партия ташкилотининг қуйи бўғинларида кенг тушунтириш ишларини олиб бордик. Негаки, Қонунда белгиланган ваколатлар, ҳуқуқ ва бурчларни, аввало, ҳар бир сафдошимиз чуқур англаб олмоғи лозим. Пастдарғом, Жомбой туманларида ҳокимлик ва ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари иштирокида ўтказилган мулоқотлар чоғида эса ўзаро муносабатлар қиррасини аниқлашга, мурожаатларни қонуний ҳал этиш йўлларини излашга ҳаракат қилдик.

Ҳозир халқ депутатлари туман кенгашлари қошида партия гуруҳларини тузаяпмиз. Бу гуруҳлар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг фаолиятига таъсир кўрсатиши, улар қабул қилаётган қарорларнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга қай даражада мувофиқ келишида жамоатчилик назоратини ўрнатиш учун имкон беради.

(Давоми 2-бетда)

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

"Туркистон" саройида Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий "Қувноқлар ва зукколар" танлови саралаш турнирининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Талаба ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, ижтимоий фаоллигини ошириш, ижодкорлик қобилиятини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган ушбу беллашувда Қорақалпоқ давлат университетининг "Жайхун" ҳамда Тошкент давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтининг "Дизайн" жамоалари ўзаро куч синашди.

Жамоалар томонидан ижро этилган турли ҳаётий лавҳалар, ҳазил-мутойиба ва қўшиқлар йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

"Дизайн" жамоаси ғолиб деб топилди ва кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди.

(ЎзА)

Мавзу

ОРОЛБЎЙИ:

ДОЛЗАРБ ЭКОЛОГИК МУАММО

нафақат Марказий Осиё, балки ер шарининг бошқа ҳудудларига ҳам таъсир кўрсатади

Президентимизнинг 2008 йил 18 февралдаги Фармойишига асосан Тошкентда шу йилнинг 11-12 март кунлари «Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, оқибатларини енгиллаштириш борасида халқаро ҳамкорлик чоралари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади.

Эсингизда бўлса, 2002 йилнинг 6 октябрида Душанбе шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси доирасида янги дастур ишланмаси ҳақида қарор қабул қилиб, унинг асосий йўналишларини тасдиқлаган эдилар. Жумладан, ушанда жамғарма Иҳроия қўмитасига 2003-2010 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ҳам топширилганди...

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларига келиб Орол муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътибори кучайди. Душанбедаги ўша саммитда Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Бу йил Европада ёзги мавсум жуда серёғин келиб, анча муаммо туғдиргани "кўҳна дунё" мамлакатларини Орол муаммосига янада жиддий ёндашишга мажбур этди". Зеро, саммитда дунё, хусусан, Европа иқлимидаги кескин ўзгаришларда Орол ҳалокатининг "улуши" нечоғли эканлиги ҳам чуқур таҳлил қилингани кейинги амалий ишларга туртки бўлди, дейиш мумкин.

Шундан сўнг ҳукуматлараро давлат-муассасалари ҳамкорлигида 2003-2010 йилларда Орол денгизи ҳавзасида экология ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш юзасидан аниқ ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра ҳайъат аъзолари томонидан Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларини комплекс бошқарувнинг келишилган механизмлари тайёрланиши, сув хўжалиги объектларини таъмирлаш ва сув ҳамда ер ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш йўллари мўлжалланган.

(Давоми 3-бетда)

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Пахтакор туманида яна бир янги корхона иш бошлади. Тошкент шаҳридаги «Капитал Инвест сервис» хусусий корхонаси фойдаланилмай турган иншоотни сотиб олиб, Россия, Хитой ва Украина инвесторлари билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этди.

Рўзғор ва саноат музлаткичлари ишлаб чиқарадиган янги корхона шу йилнинг биринчи ярмида ўз маҳсулотини бозорга чиқаришни мўлжаллаяпти.

Ўз мухбиримиз.

Бугунги сонда:

Онгли фуқаро, у мансабдор шахсми, оддий касб эгасими, халқ, қонун, виждон олдида жавобгар саналади. Бу ҳеч қачон унутиб бўлмайдиган ҳақиқат.

2

Штицберген архипелагида ўсимлик уруғлари сақланадиган улкан омбор фойдаланишга топширилди. Ҳозирча бу ерда сайёрамиздаги энг ноёб 250 минг хилдаги ўсимлик уруғи сақланмоқда.

3

Дедим:
- Ейилмаса ҳам танга роҳат бағишлайдиган нарсалар қайси?
Деди:
- Яхшилар суҳбати, ёр дийдори, юмшоқ тўн, мўътадил ва хушбўй ҳид.

4

"АДОЛАТ" СДП Ҳаётидан

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

САМАРҚАНД: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловчилар билан учрашувлар ўтказишмоқда. Шундай тадбирлардан бири Самарқанд вилоятида ташкил этилди.

Пастдарғом тумани 55-сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Худоёр Маматов сайловчилар билан учрашувда юртимизда ёшларга яратилаётган шароитлар, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишда ёшларнинг иштироки, сиёсий фаоллиги ҳақида тўхталиб ўтди. Учрашувда, айниқса, яқинда қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Ўзбекистон – болажон халқ, болаларга алоҳида эътибор ўзбек халқининг азалий анъаналаридан саналади. Бунга содиқ қолган ҳолда болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча шароитларни яратиш ва ҳуқуқларини тўла-тўкис таъминлаш ҳукуматимизнинг доимий эътиборидадир.

Ўн олтита моддани ўз ичига олган мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарасидир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ўзи қўшилган халқаро конвенция ва шартномалар нормаларига содиқлигини ҳам намоён этади.

* * *

Худди шундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам бўлиб ўтди. Фарғонада Юсуфжон Нишонов, Тошкент вилоятида Исмоил Саифназаров, Наманганда Ойша Охунова, Қашқадарёда Собир Турсунов ва Абдулла Абдуназаров, Қорақалпоғистон Республикасида Мамит Аскаров сайловчилар билан учрашувлар ўтказишди.

"ИСТИҚБОЛЛИ ЁШЛАР – ЭРТАНГИ КУНИМИЗ"

ТОШКЕНТ ШАҲРИ: Ёшлар иштирокисиз жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий янгиланишларни амалга ошириш мушкул. Бу борада қабул қилинаётган қонунлар ва амалга оширилаётган ислоҳотларга ёшларнинг муносабатини ўрганиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент Давлат кимё-технология институтида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ва "Ёш адолатчилар" Кенгаши ҳамкорлигида "Истиқболли ёшлар – эртанги кунимиз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Парламентнинг қуйи палатаси депутатлари, партия фаоллари қатнашган ушбу тадбир барча иштирокчиларда, айниқса, талаба ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

– Тадбирни ташкил этишдан мақсад ёшларнинг орзу-интилишлари ва истакларини ўрганишдан иборат, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Ботирова. – Бу орқали биз фаолият йўналишларимиз ва келгусида амалга оширажак ишларимизни белгилаб оламиз.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

НАМАНГАН. Вилоят партия Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия аъзолари сафини кенгайтириш, аъзолик бадалларини вақтида тушириш, партия нашри – "Адолат" газетаси обунасини уюштириш каби масалалар, шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан амалга ошириладиган ишлар қизғин муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз ёшларини ҳаётимизда ҳақиқатдан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш учун олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди. Йиғилишда бу борада вилоят партия Кенгаши, унинг аъзолари олдида ҳам муҳим вазифалар тургани таъкидланди. Айни пайтда партия ташкилотлари сафига ташаббускор, истеъдодли ёшларни жалб этиш муҳим масала эканига қарамай, бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, "Адолат" газетасига партия ташкилотларида обуна мавсуми уюшқоқлик билан ташкил этилмагани натижасида Сиёсий Кенгаш фаолияти тўғрисидаги ахборотлар ва Кенгаш чиқарган йўриқномалар етарлича тарғиб қилинмаётгани айтилди.

Саййид ОЛИМ,
"Адолат" мухбири.

ҲАРАКАТЛАР БЕСАМАР КЕТМАЯПТИ

ЖИЗЗАХ. Зафаробод тумани партия Кенгаши ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Шарқ ҳаёси, ибоси билан гўзал" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш тўғрисида сўз борди.

– "Ёшлар йили" муносабати билан ўнга яқин шу мазмундаги тадбирларни ташкил этдик, – дейди туман партия Кенгашининг биринчи котиби Иноят Ҳонқулова. – Мақсадимиз ўсиб келаётган ёш авлод онгига халқимизнинг миллий анъаналари, қадриятларини сингдириш, бой маданий меросимизни келажак авлодга етказишдан иборат.

Таъкидлаш керакки, аҳолининг турли қатламларини қамраб олаётган бу каби тадбирлар бесамар кетмаяпти. Мулоқотлар давомида "Адолат" СДП дастурий ғоялари тўғрисида тушунтиришлар берилмоқда. Бу эса, партия нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Адолат" мухбири.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН:
ВАКОЛАТ ЕТАРЛИ, ТАШАББУСКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИ-ЧИ?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Эшмамат ҚУРБОНОВ,
"Адолат" СДП вилоят Кенгаши котиби:

– Маълумки, бошқарувни ислоҳ этиш, янада демократлаштиришда нодавлат ташкилотларнинг ўрни катта. Шуни назарда тутиб, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликни кучайтиришга интилаяпмиз.

Яқинда мазкур муассаса ходимлари билан биргаликда "Экология – тараққиётимиз кафолати" мавзусида давра суҳбати ўтказдик. Унда мавзуга танқидий ёндашилди. Айрим идора раҳбарларининг соҳага доир қонунларга беписандлик билан қараётганлиги айтилиб, аҳволни яхшилаш бўйича зарур таъсир чораларини кўриш хусусида келишиб олинди.

Баҳодир ДЎСТМУҲАММЕДОВ,
Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Самарқанд шаҳри Кенгаши раиси, "Адолат" СДП аъзоси:

– Чиндан ҳам бошқарувни ислоҳ этишда, давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни қарор топтиришда жамоатчилик назорати катта куч. Биз шу йўл билан айрим мансабдорларнинг ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилишлари, фуқароларнинг мурожаатларига беписандлик билан қарашларига чек қўя оламиз.

Битта ҳолатни мамнуният билан таъкидлашни истардим. Партиянинг истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари аллақачон ўз самараларини бермоқда. Бултур Самарқанд шаҳар газлаштириш идорасида биргаликда ўтказилган текширишларимиз чоғида фуқаролардан нотўғри ҳисоблаб ундирилган бир миллиард сўмдан ортиқ тўлов маблағларини ўз эгаларига қайтаришга муваффақ бўлдик. Аниқроғи, жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини ишга солиб масалани судга олиб чиқдиқ. Суд эса бизни қўллаб-қуватлади.

Мухтор ТЎЙЧИЕВ,
Самарқанд шаҳридаги "Севали" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, "Адолат" СДП аъзоси:

– Давлат бошқарувини янгилаш деганда, даставвал ўз ҳуқуқ-ваколатларини эркин амалга ошира оладиган кучли фуқаролик жамиятини тушунаман. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тузилмалари олдида ҳам катта масъулият, жавобгарлик турибди.

Маҳалламиздаги бошланғич партия ташкилоти 60 нафар аъзони бирлаштирган. Улар ўртасида зиёлилар, раҳбар ходимлар, депутатлар борлиги ижтимоий жараёнларга партиявий таъсир кўрсатиш самарадорлигини оширмоқда. Шу йўл билан биз маҳалладаги ичимлик суви, табиий газ муаммосини буткул ҳал этдик. Санитария-экология ҳолатини яхшиладик. Лекин, назаримда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳаммаси ҳам ижро ҳокимиятининг ваколатларини ўз зиммаларига олишга қунт-ҳафсала қилишмаётгандек. Ўз ҳудудларидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, зарур қарор ва мурожаатлар ишлаб чиқиш, жамоатчилик назоратидан фойдаланиш эътибордан четда қолаяпти.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларидан аён бўлмоқдаки, давлат бошқарувини янгилаш, янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаш – ғоят долзарб масала. Бу борада Конституциявий Қонун сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари, демократик институтлар фаоллигини оширади. Фуқароларни ўз ортидан эргаштира оладиган партиялар эса айни шу жараёнда ташаббускорликни ўз қўлларига олишлари зарур. Хусусан, корхона, ташкилотлар, маҳаллалар қошида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотлари энди ислоҳотларнинг чинакам курашчилари сифатида ўз қобилиятларини намойиш этишларининг фурсати етди.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Вазифалар муҳокамада

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Навоий филиали, вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар йилида демократик жараёнларнинг янги босқичида сиёсий партиялар ва масъул ташкилотлар олдида турган долзарб вазифалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама этилди. Иштирокчилар, шунингдек, таълим муассасаларида бўлиб, талаба ёшлар билан учрашдилар.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

«Биз гиёҳвандликка қаршимиз!»

Гиёҳвандлик – аср вабоси. Бу иллатга қарши курашиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш муҳим вазифалардан саналади. Янгибозор туманида ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди. Туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Биз гиёҳвандликка қаршимиз!" мавзусидаги анжуманда партия аъзолари ва ўқувчи ёшлар қатнашди.

– Гиёҳвандликка қарши кураш, бу иллатнинг аянчли оқибатлари тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш олдимиздаги долзарб масалалардан биридир, – дейди туман Кенгаши биринчи котиби Дилдора Мадаминова. – Чунки соғлом авлод салоҳияти Ватан тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири.

СУВ – АЗИЗ НЕЪМАТ

Ер шарининг 71 фоизи сув билан қопланган, денгиз ва океанлар эгаллаган жами майдон Ойдан ўн, Марс сайёрасидан 2,5 баробар катта. Афсуски, ана шундай катта ҳажмдаги сув захирасининг бор-йўғи 2 фоизи истеъмол учун яроқли. Ҳозирги кунда ана шундай захирага эга бўлган чучук сувдан фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Мутахассислар маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда бир киши суткасига 200-230 литр ичимлик суви сарфлайди. Эътиборлиси, ушбу сувнинг 34 фоизи ванна ва душхоналар жумракларидан оқиб кетаркан. Қолаверса, чучук сувдан турли саноат корхоналарида ҳам фойдаланилади. Битта корхона 9-10 кишининг бир суткада фойдаланадиган сувини 7-8 соат давомида "тинчитади". Аммо бундай саноат корхоналарнинг баҳридан ўтишнинг ҳам иложи йўқ. Демак, уларда сувдан оқилона фойдаланиш механизмини яратиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ифлосланган сувни истеъмол қилиш оқибатида ҳар куни 25 минг атрофида одам ҳаётдан кўз юмади. Икки миллиардга яқин киши турли хил хавфли касалликлар гирдобида яшамоқда. Масалан, 400 миллион киши шастнтроэнтернь хасталигидан азият чекаётир.

Жаннатмакон юртимизда тоза ичимлик суви муаммоси унчалар кескин эмас. Аммо бу бепарво, хотиржам бўлишимиз мумкин, дегани эмас. Ҳар биримиз бебаҳо неъмат – сувдан оқилона фойдаланишимиз, уни қадрлашимиз лозим.

Д.АКБАРОВА.

Бизнинг мусоҳаба

Ҳалимбой БОБОЕВ:
ИНСОНДА ҚАНЧА ҲУҚУҚ БЎЛСА, ШУНЧА БУРЧ ҲАМ БОР

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг фаол фахрийларидан, асосчиларидан бири бўлган Ҳалимбой Бобоевни кўпчилик ҳуқуқшунос, устоз-мураббий сифатида яхши билади. Унинг орзуси келгусида юртимизда ҳуқуқшунослик мактабини яратиб, ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳисса қўшишдан иборат.

Ҳалимбой Бобоев айни пайтда Тошкент Давлат юридик институтида "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" кафедраси мудири лавозимида қизғин фаолият юритмоқда. У киши билан суҳбатимиз ёшлар таълим-тарбияси, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ва сиёсий партияларнинг бугунги фаолияти ҳақида бўлди.

– Ҳалим ака, бугунги ёшларга қараб, беихтиёр ўзингизнинг ёшлигингиз ёдингизга тушса керак...

– Бизнинг авлод иккинчи жаҳон уруши даврида туғилиб, жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Қаҳратон қишни бир амаллаб ўтказиш, баҳор, ёз ва куз ойларида далада тиним билмай ишлаш кундалик ташвишимизга айланиб қолганди...

Минг шукрлар бўлсинки, мустақиллик ёш авлод таълим-тарбияси учун барча имкониятлар эшигини очди. Замонавий таълим-тарбия, тараққиёт ёшлар дунёқарашини кенгайтириб, уларнинг соғлом фикрлашига амалий туртки бермоқдаки, буни ўқитувчи сифатида мамнуният билан айта оламан. Бугунги навқирон авлодга ҳавасимнинг боиси ҳам шунда.

– Ҳуқуқшунос педагог сифатида мактабларда ўқитилаётган Конституция фани ҳақида фикрингиз қандай?

– Невараларимдан бири 6-синфда, бошқаси 9-синфда таҳсил олади. Кичкинасидан "Конституция фанини ким ўргатаяпти?", деб сўрасам, геометрия ўқитувчимиз, дейди. Каттаси эса соҳага умуман дахли бўлмаган бошқа бир домла Конституциядан дарс беришини айтади. Шунда ўйланиб қоламан: "Биз юртимизда фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Бунинг маъноси шундан иборатки, ким бўлишимиздан қатъи назар, қонунга итоаткор, ҳуқуқнинг барча талабларини бажарган ҳолда яшашимиз керак. Бу эса, энг аввало, ёш авлод таълим-тарбиясидан, аниқроғи, мактабдан бошланиши керак эмасми?"

Тўғри, бугун мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, улуғвор ишлар, унинг истиқболли самаралари ҳақида ҳар қанча сўзласак оз. Бироқ, боя тилга олганим каби нохуш ҳолатлар кўнгилга соя солади.

– Домла, чет эл сафарларида кўп бўлгансиз. Хорижий мамлакатларда эътиборингизни тортган нарсалар ҳақида гапириб берсангиз.

– Маънавият, таълим-тарбияга қизиққанимдан бўлса керак, ривожланган мамлакатлардаги улкан кутубхоналар мени ҳайратга солди. Бу ерда ўзингиз учун керакли барча маълумотларни ҳам китоб, ҳам электрон шаклларда топишингиз мумкин. Улар учун мижоз манфаати, эҳтиёжи биринчи ўриндаги вазифа саналади. Шулардан хулоса чиқариб, Ўзбекистонга қайтиб келгач, Тошкент Давлат юридик институти қошида мўъжазгина кутубхона ташкил этдим. Ҳозир ушбу зиё маскани талаба ёшларга катта ёрдам бераётганидан хурсандман.

Менга қолса, юртимизда тадбиркорлар катта-катта ресторанлар қатори кутубхоналар қуришга ҳам эътибор қилишса, жуда савоб бўларди. Зеро, бизнес соҳаси яхши, аммо маънавиятни эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

– Хориждаги сиёсий партиялар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

– Сиёсий партиялар, биринчи навбатда, малакали кадрларга эътибор қаратиб, зиёлиларнинг энг илғор қатламларини ўз сафларига жалб этишга ҳаракат қилади. Чунки етук, ёш мутахассислар нафақат партиялар, балки ҳар бир мамлакатнинг келажаги, эртанги кунидир. Бу эса партиялар ўртасида ўзаро рақобат муҳити юзага келтиради.

Гап келди, айтмасам бўлмас. Кейинги йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар катта тажриба тўплади, сиёсий майдонда янада чиниқди. Ҳозир улар фаолиятида ўзига хос ташаббускорлик, фаоллик кўзга ташланмоқда. Бу қувонарли ҳол. Лекин улар ўртасида ўзаро соғлом, дўстона танқид руҳи ҳам ҳукмрон бўлса фойдадан холи бўлмасди, назаримда.

Биз "Адолат" СДП ташкил этилганида ҳар ишда адолатни таъминлаш, аҳолига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, турли табақа вакилларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, бир сўз билан айтганда, жамиятда адолатни янада мустаҳкамлашни мақсад қилгандик. Бу иш босқичма-босқич ўз натижасини бераётгани аҳамиятга молик. Айниқса, жорий йилдан бошлаб мамлакатимизда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг кучга киргани партиялар фаолиятини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

– Оддий фуқаро учун бирор партияга аъзо бўлиш қанчалик зарур, деб ўйлайсиз?

– Орамизда шундай одамлар ҳам учрайдики, улар партияга аъзо бўлсам, у менга нима беради, деб фикрлайди. Партияга аъзо бўлиш орқали бирор-бир имтиёзга эришишни кўзлайдиган кишидан партияга ҳам, жамиятга ҳам наф етмайди.

Тўғри, партияга аъзо бўлиш ёки бўлмаслик ҳар кимнинг ҳуқуқи. Аммо шуни унутмасликки керакки, инсонда қанча ҳуқуқ бўлса, шунча бурч ҳам бор. Оддий фуқаро, у мансабдор шахсми, оддий касб эгасими, халқ, қонун, виждон олдида жавобгар саналади. Бу ҳеч қачон унутиб бўлмайдиган ҳақиқат.

– Донишмандлар инсон икки нарсада адашмаслиги керак: шулардан бири касб танлашда, дейишган экан. Шу маънода, ҳуқуқшуносликни танлаганингиздан афсусланмаганмисиз?

– Йўқ. Негаки, шу касб орқасидан қанчадан-қанча шогирдлар тарбияладик. Энг муҳими, одамларнинг ҳуқуқий билимини ошириш йўлида меҳнат қилаётганимдан бахтиёрман.

Аввалларги кўпчилик композитор, режиссёр бўлиш, Аброр Ҳидоятовга ўхшаб зўр актёр бўлишни орзу қиларди. Мен эса ёшлик пайтларимда уста, архитектор бўлишга интилардим. Кейин фикрим ўзгара бошлади. Шўро мустамлакаси даврида жабрланганлар кўп бўлди. Ўшанда жамиятда адолатни таъминлашга оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшиш ниятида қонунчиликни ўрганишга киришдим ва юрист бўлишга қарор қилдим. Бу олижаноб касбим туфайли шукрки, кам бўлмадим, озми-кўпми одамлар корига ярадим.

Беҳбуд БОТИРОВ
суҳбатлашди.

СУҲБАТГА СИҒМАГАН ГАПЛАР:

Бугунги кунда юртимизда ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитларни кўриб қувониб кетаман. Ўқиш, таълим олиш, ишлаш учун барча имкониятлар етарли. Аммо дарсдан қочиб, кўчаларда уяли телефонда гап сотаётган ёшларни кўриб ачинасан, киши.

Ҳазрат Навоий бекор айтмаган:

Умрни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнат саодатнинг калиди бил.

Ҳаммаям олим бўлавермайди, буюк инсон бўлиб туғилмайди. Лекин инсон ҳалол меҳнат қилиб, доимо олдинга ҳаракат қилмоғи лозим.

Касблар орасида ҳуқуқшунослик қатори педагогика ва тиббиёт соҳаларини ҳам яхши кўраман. Чунки бу соҳа вакиллари инсоннинг дарди, ҳаётини тўғри йўлга солиш билан шуғулланади.

ЁШЛИК – БЕҒУБОР, ОБОД ВА ОЗОДА ФАСЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз таъбири билан айтганда, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.

Истиқлол йилларида республикамизда ёшларнинг руҳан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Халқимизнинг ақл-заковатли, кучли, теран идрокли, инжа фазилатли навқирон вакиллари санъат, ижод ва спортдаги оламшумул ютуқлари билан дунёни лол қолдириши, мухтасар айтганда, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизни жаҳонаро намоён этиши учун катта имкониятлар яратилди.

Бугун турли жабҳаларда ғолиб ва музаффар ўғил-қизларимизнинг олам узра донғи кенг ёйилмоқда. Бундан ҳақли равишда ғурурланамиз, қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдошимиз эл-юрт истиқболи, Ватан тараққиёти, навқирон авлод келажаги йўлида қайғураётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Сариштали уй – фариштали уй. Уйи тозага гард юқмас, гард юқса ҳам дард юқмас, дейдилар. Ҳа, ҳар бир ёшнинг тани соғлиги, руҳи покизалиги – уйи, тураржойи, маҳалласи, қишлоғи, шаҳари озодалиги, демакки, Ватан ободлиги, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги кафолатидир. "Ёшлик" талабалар шаҳарчасининг шинам, замонавий биноларини, озода кўчаларини, Наврўз нафаси уфуриб турган кўркам боғу гулзорларини ҳавас ва фахр билан томоша қилиш, бу ерда талабаларнинг рисоладагидек яшаши, таълим-тарбия олиши, ҳордиқ чиқариши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш асносида ана шу пурҳикмат нақл хаёлимиздан кечди.

Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли қисқа вақт ичида Талабалар шаҳарчаси қиёфаси тубдан ўзгарди, ёшлар истиқомат қиладиган тураржойлар бугунги кун нуқтаи назаридан, ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тубдан таъмирланди. Уйларнинг атрофида равон йўл ва йўлаклар барпо қилинди.

Талабаларда "тураржойимиз – ўз уйимиз" фикрини шакллантириш мақсадида шаҳарча ҳокимлиги ва тегишли жамоат ташкилотлари томонидан ушбу ҳудудда тартиб-интизом, саранжом-саришталик янада яхшиланишига, айниқса, талабалар ўртасида ўзини ўзи бошқариш тизими изчил ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юрт ободлиги кўнгил ободлигидан бошланади, дейди ҳамиша Президентимиз. Бу даъватни юртимизнинг озодалиги ва покизалигига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Наврўзи оламнинг юртга қайтиши халқимиз руҳиятини юксалтирди. Боқий байрамимиз билан бирга асрлар давомида эъзозлаб келинган урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қайта тикланди.

Оддийгина ҳашарни олиб кўрайлик. Маълумки, халқимизда кўплашиб, кўмаклашиб қилинадиган ишларга маҳалла-кўй, қуниқўшни бир ёқадан бош чиқариб киришади. Бирор-бир манзилни обод қилиш бўладими, бино ва иншоотлар бунёд этиш бўладими, тўй-ҳашам бўладими, ҳеч ким ёлғизлатиб қўйилмайди. Шу маънода, ҳар йили Наврўз арафасида ўтказиладиган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва озодалик ойлигида мамлакатимизда умумхалқ ҳашари ташкил этиш анъанага айланган.

Бундай ҳашарлар натижасида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойлари ободонлаштирилиб, ариқ-зовурлар тозаланади, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилиб, гуллар, кўчатлар экилади, дарахтларга шакл берилиб, оқланади. Ҳашардан тушган маблағ меҳр-мурувват тадбирларига, кўмакка муҳтож инсонлар ва оилаларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилади...

Бу йилги Наврўз мамлакатимизга Баҳор ва Ёшлик бахш этган эзгу тилаклар ва хайрли юмушларни бошлаб келаётгани билан ҳам ўзгача қадр-қимматга эга. Шундай экан, Ёшлар йилининг Наврўзида, Ҳашарида, умуман, жонажон Ватанимиз ободлиги ва озодалиги билан боғлиқ умумхалқ тадбирларида навқирон авлоднинг ўрни алоҳида, ўзига хос аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Гулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

ОРОЛБЎЙИ:

ДОЛЗАРБ ЭКОЛОГИК МУАММО

нафақат Марказий Осиё, балки ер шарининг бошқа ҳудудларига ҳам таъсир кўрсатади

(Давоми.Бошланиши 1-бетда)

Мазкур давлатлараро ташкилотларнинг моддий-техника ва ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш чоралари ва Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий тармоқларида сувдан оқилона фойдаланиш меъёрлари ишлаб чиқилиши белгиланган. Бу меъёрларга мувофиқ сувни тежаш лойиҳалари тайёрланиши – Қуйи Амударё ва Сирдарё сув ресурсларини бошқариш механизми юзасидан муайян келишувларга эришиш имкони туғилди.

Кўп ўтмай дастур асосида Оролбўйи аҳоли манзилгоҳларида санитария-экология муҳитини соғломлаштириш ва табиий экотизимни яхшилаш бўйича халқаро дастурини амалга оширишга киришилди. Табиатнинг қашшоқланишига қарши кураш минтақавий ҳаракат дастури ижроси йўлида табиий қашшоқланишнинг олдини олиш чоралари кўрила бошланди. Айни чоғда табиий мувозанатни сақлаш мақсадида Амударё ва Сирдарё бўйларида кичик сув ҳавзаларини кўпайтириш, кўл ва кўлчалар ҳавзаларини бошқариш орқали ишлаб чиқариш жараёнлари мавжуд ҳудудларда сувли-ботқоқли ерлардан фойдаланиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш масалалари кун тартибига қўйилди. Ҳозирги кунда денгиз ҳавзасида транс чегара сув оқими мониторинги ўрнатилмоқда. Ҳудуднинг қор-муз ресурслари ўрганилиб, иқлимнинг ўзгариб туриши моделлари яратилаяпти.

Ҳудуднинг ижтимоий муаммолари ечими бўйича тасдиқланган дастур кўламига кўра ҳам Оролбўйи ҳавзасининг аҳоли манзилгоҳларида яшаётган эл-улуснинг турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси соғлиғини муҳофазалаш дастури ижроси изчил ва босқичли тарзда амалга оширилмоқда. Одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш йўлида янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилаётир. Аҳолининг тоза ичимлик сув таъминоти устувор вазифалардан эканлиги йил сайин катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Бу ишлар замирига чуқурроқ қарайдиган бўлсак, аввало, кўз олдимизда 1993 йилнинг 28 сентябрида Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида қилган маърузаси гавдаланади. Давлатимиз раҳбари ўшанда дунёнинг энг нуфузли минбаридан туриб деган эди: "Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келаяпти. Энг аввало, бу гап Орол денгизи фожиасига тааллуқли. Кейинги йилларда унинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирғоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашуви даражаси тўрт бараваргача ошди, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни қум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси минтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ экспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан 20-асрнинг энг катта офатларидан бири бўлиб қолди.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирамиз.

Фалокатнинг ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол бўйича махсус Комиссияси ташкил қилинишини ёқлаб чиққан бўлур эди. Бу Комиссия минтақадаги ҳукуматлар билан келишган ҳолда ва БМТнинг имкониятлари орқали халқаро кучлар ва маблағларни мана шу экологик фожиани бартараф этишга жалб қилган бўлур эди..."

Бир сўз билан айтганда, юқорида тилга олинган барча саъй-ҳаракатлар: Душанбе саммити, БМТнинг махсус комиссияси ҳам, ўтказилган конференция ва учрашувлар ҳам, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси фаолиятига оид 2003-2010 йилларга кўзланган барча режалар ҳам Президентимизнинг ташаббуси асосида амалга оширилаётган ишлар натижасидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро конференцияда Орол муаммосининг ҳудуд аҳолиси генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, Амударё ва Сирдарё оқимини ишончли таъминлаш масалалари кенг муҳокама қилинади. Қолаверса, мазкур тадбир Оролбўйи ҳудудида экологик таназзул оқибатларини бартараф этиш юзасидан самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишига ҳамда муаммоларни бартараф этиш борасида ўзига хос бурилиш ясашига ишончимиз комил.

Серикбай ПЕРНАБЕКОВ,
Халқаро Оролни қутқариш жамғармасининг Ижроия қўмитаси аъзоси.

Шарҳ

СОЯДА ЮРГАН «КИЧКИНА ОДАМ»

2007 йил декабрь ойида Грузияда ўтказилган президент сайловида ўз номзодини қўйган Бадри Патаркацишвилининг 53 ёшда оламдан ўтиши кўпчилик сиёсатдонларни ҳушёр торттирди. Одатда кўзга ташланавермай соядa юришга одатланган Бадрининг ўз ақидасига риоя этмагани бошига бало бўлди. У сайлов арафасида, Тбилисидаги митингда бойлигини "мамлакатни Саакашвили режимидан халос этиш учун" сарфлашга тайёр эканлигини айтганди.

Бадри Патаркацишвили Лондон яқинидаги Лезерхеде шаҳарчасида жойлашган вилласида қазо қилди. Сиёсатчи Иракли Церетелининг фикрича, Бадри ўлдирилган бўлиб, бунда махсус хизмат ходимларининг қўли бор. Эмишки, олигархни узоқдан туриб кодлаштирилган нур билан "ишлашган" ва оқибатда инфаркт юз берган. Британиялик терговчилар токсикологик экспертиза ўтказилгач, икки ҳафталардан сўнг ўз хулосаларини эълон қилишларини айтишган.

Ўтган ярим йил давомида грузиялик медиамагнатнинг исм-шарифи дунё оммавий ахборот воситаларининг диққат-марказида бўлди. Олигарх сиёсат майдонига қандай шиддат билан кириб келган бўлса, уни шундай тез тарк этди. Аммо гап фақат сиёсий курашда эмас. Марҳум сиёсатчи катта капитал эгаси эди. Ҳаётининг охирги палласида унинг жамғармаси 11-12 миллиард доллар, деб баҳоланганди.

"Патаркацишвили" фамилияси мазмунан "кичкина одамнинг боласи" деган маънони англатади. Чиндан ҳам, "кичкина одам" вақтсоати келгунча кўринмай юрди. Тбилиси политехника институтини олтин медаль билан битиргач, собиқ иттифоқнинг йирик корхоналаридан бири – "АвтоВАЗ"да фаолиятини бошлади. 1990 йили бу ерда у Борис Березовский билан танишди. Борис Абрамович ВАЗда 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бошқарувнинг янги услубини жорий этаётганди. Бу услуб шундан иборат эдики, "АвтоВАЗ"да ўша пайтлар кўзга суртиб миниладиган "Жигули"лар ишлаб чиқарилар, Б.Березовскийнинг "ЛогоВАЗ"и бу машиналарни сотиш билан шуғулланарди. Бадри эса "Жигули"ларнинг Грузияга экспорти билан машғул эди. Кейинчалик у йирик медиамагнатга айланди: Россиянинг ОРТ каналидан ташқари ТВ-6 ҳамда "Коммерсант" нашриёти, "Независимая газета", "Новые Известия" нашрлари, "ТВ-Парк" журнали Патаркацишвили ва Березовский ихтиёрига ўтди. Кейинчалик Березовский Лондонга, Бадри Тбилисига кетишга мажбур бўлди. Кўп ўтмай йирик бизнесмен қадрдон Грузиясини ҳам тарк этиб, Буюк Британиядан қўним топди. Хуллас, катта бойликка эга одамнинг тўсатдан қазо қилгани кўплаб саволларни туғдирди: гап юрак хуружидами ёки у қотиллик қурбоними?

2007 йил кузига келиб Бадри Патаркацишвили сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлади. Ўтган йил ноябрда Тбилисида ўтган митингда Патаркацишвили мухолифатни амалдаги президент Саакашвилига қарши курашда бирлашишга чақирди. Бизнесменнинг «Боржоми» компанияси мухолифатни молиявий таъминлашда муҳим роль ўйнади. Аммо ҳукумат ҳам бу борада зарур чораларни кўриб қўйганди. Давлат тўнтаришига уринишда, пора бериш ва бошқа жиноятларда айблангач, Бадри Патаркацишвили мамлакатни тарк этди. Шунга қарамай, декабрь ойида ўтказилган президентлик сайловларида у мухолифатдан номзод сифатида қатнашиб, учинчи ўрин билан кифояланди. 120 нафар тансоқчига эга бўлган Патаркацишвили сўнгги кунларда ўз ҳаёти ва эркинлиги хавф остида эканлиги, ўзини ҳеч қаерда хотиржам ҳис қилолмаётганини айтган.

2008 йил 16 январда Тбилиси суди Патаркацишвилини сиртдан 2 ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилди, 2008 йил 13 февралда эса унинг ўлгани маълум бўлди. Қизиғи шундаки, Грузия бош прокуратураси ўша куни унга нисбатан очилган жиноий ишни ёпди.

Ботир УСМОНОВ.

«Грузия йўли» партияси раҳбари С.Зурабишвили:
– Бадри Патаркацишвилининг ўлими жуда кўп шубҳа-гумонларни туғдиради. Мен тасодифларга ишонмайман, боз устига, сиёсатда. Бу жуда ғалати, жуда кўп саволларга жавоб берилиши керак.

Грузиялик сиёсатчи Р.Климашвилининг фикрича, Бадри Патаркацишвилининг «Бизнинг Грузия» партияси ўз етакчисисиз ва унинг молиявий ёрдамисиз фаолият юритолмайди. Раҳбарнинг ўлими партияга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, бунинг устига, ташкилот яқинда ташвиш этилганди.

Юнусобод туманида фаолият олиб бораётган "Сунбула нон" масъулияти чекланган жамиятнинг ишчи-хизматчилари бир кеча-кундузда юртдошларимиз дастурхонига ўн тоннагача нон ва нон маҳсулотлари етказиб бермоқдалар. Айни кунда жамоада 54 киши меҳнат қилади.
Суратда жилмайиб турган қиз – М.Собирова ҳам жамоадошлари билан элга хизмат қилаётганидан мамнун.
Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Фаолият

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ ЙЎҚ

Бугунги фаровон ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни яхши англаб етган самарқандлик мутахассислар кузги-қишги мавсумда саноат, ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли хонадонларининг эҳтиёжига мувофиқ электр энергияни узлуксиз етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда.

Мавсумга тайёргарлик анча барвақт – ўтган йилнинг апрель-май ойларида бошлангани туфайли вилоят электр тармоқлари корхоналари муҳандис, ишчи-ходимлари бу йилги қаҳратон қишнинг совуқ кунларида шошиб қолишмади. Аҳоли хонадонлари, таълим муассасалари, шифохоналар, ишлаб чиқариш корхоналарига электр энергия етказиб берилгани боис ортиқча талофатга йўл қўйилмади.

Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 2 майдаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2007-2008 йил куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан қилинган кенг қамровли амалий ишлар таҳсинга лойиқ. Самарқанд шаҳридаги "Юбилей" нимстанциясидаги 16000 кВАли трансформатор, Каттақўрғон шаҳридаги "Бентонит" нимстанциясидаги 1000 кВАли трансформатор ва Ургут туманидаги 4000 кВАли трансформаторлари мукаммал таъмирлангани шулар жумласидандир.

– Вилоятда 20 та шаҳар ва туман электр тармоқлари корхоналари мавжуд, – "Самарқанд электр тармоқлари" ОАЖ раҳбари Ш.Усманов, биз билан суҳбатда. – Мазкур корхоналарда бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар қиш мавсумида аҳоли ва ташкилотларга электр-энергия етказиб беришни назорат остига олишган. Албатта, иш бор жойда камчилик ва муаммолар ҳам бўлади. Бу айрим аҳоли хонадонлари, корхона ва ташкилотлар томонидан электр энергия бўйича қарздорликларини ўз вақтида тўламаслиги билан боғлиқ. Шунинг учун тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Олим ҲАКИМОВ,
"Адолат" мухбири.

Транспорт хизмати

ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗИ

билан қонунбузарлик ҳолатлари бартараф этилди

Бу йилги қишки мавсумда республикамизда ҳавонинг кескин совиб кетиши ҳамда тез-тез қор ёғиши натижасида бирмунча ноқулайликлар юзага келди. Бу жамоат транспортида ҳам яққол сезилди. Мамлакатимиз пойтахтидан вилоятларга ёки вилоятлараро қатновчи жамоат транспорти воситалари қатнови ноқулай об-ҳаво туфайли бирмунча камайди. Хўш, бундай шароитда йўловчи қандай қилиб манзилга хавфсиз ва ҳамёнбоп нархларда етиб олиши мумкин?

Албатта, бундай пайтларда темир йўл транспортига эҳтиёж ортади. Буни чуқур англаган "Ўзтемирйўлйўловчи" очиқ акционерлик жамияти томонидан йўловчи ташишни яхшилаш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Вилоятлараро қатновчи поездларга йўловчилар талабларига кўра, қўшимча вагонлар уланди. Ана шундай йўналишлардан бири «Тошкент-Самарқанд-Тошкент» тезюрар поездидир. Мазкур йўналишда қатновчи поездларда йўловчилар учун керакли барча сервис хизматлари (нонушта, тушлик, буклетлар, газеталар) ташкил этилган. Бу яхши, албатта. Лекин қўшимча сервис хизматлари йўловчиларнинг хоҳишига қараб амалга оширилиши лозим.

Ўтган йилнинг охирида республика Монополиядан чиқариш рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига истеъмолчилардан йўл чипталари нархига бундай хизматлар учун нархлар мажбурий равишда киритилгани ҳақида мурожаатлар келиб тушди.

Қўмита «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари бузилаётгани ҳақида «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акционерлик жамияти раҳбариятини огоҳлантирган эди. Аммо жорий йилнинг бошида «Тошкент-Самарқанд-Тошкент» йўналишидаги поездда юқоридаги салбий ҳолатларга тағин йўл қўйилаётгани ҳақида хабар олинди.

Мазкур ҳолат қўмита ходимлари томонидан тезкорлик билан ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатдан ҳам чипталар нархига сервис хизматлари қўшилгани аниқланди. Хусусан, йўловчилардан «мажбурий» сервис хизмат учун олинган қўшимча пуллар эгаларига қайтариб берилди. «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акционерлик жамиятининг мансабдор шахсларига маъмурий жарималар қўлланди.

Хулоса шуки, қўмита томонидан жамиятга юборилган кўрсатмалар ҳамда фуқароларнинг ҳақли эътирозлари «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ раҳбарлари томонидан ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари тарғиб қилинганида юқоридаги кўнгилсизликлар такрорланмаган бўларди.

Дилшод АЗИМОВ,
Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари

Қилмиш-қидирмиш

БЕКОРЧИЛИК ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

Аксарият ғайриқонуний ҳаракатлар бекорчиликдан келиб чиқади. Бекорчиликни "касб" қилиб бирор фойдали юмуш билан шуғулланмайдиганлар жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий зиён етказади. Бундай кишиларнинг ўзлари эса охир-оқибат жиноят кўчасига кириб қолганларини билмай қолишади. Юқоричирчиқ туманидаги «Жавгаште» маҳалласида яшовчи Омон Ботировнинг аччиқ қисмати фикримизга далил бўла олади.

Омон ҳали болалик завқидан баҳра олмаёқ ота-онаси ажралишган эди. Бувиси Баҳри ая қўлида қолган ўсмирни вақтида тергайдиган, номақбул қадам босганда тўғри йўлга соладиган киши бўлмади. Шу сабаблими, бир амаллаб ўрта мактабнинг 8-синфигача ўқиган Омон бирор-бир касбнинг бошини тутишга уринмади, аксинча, ёмон одатларга берилди – аввалига чекишни ўрганди, кейин эса спиртли ичимликлар ичиб, маст-аласт кўча-куйда дайдийдиган бўлди.

Ўша куни Омон савдо-сотиқ билан шуғулланадиган маҳалладоши Насиба Рихсиеванинг уйига борди. Ундан бир шиша спиртли ичимлик сотиб олиб, ҳаял ўтмай шу ернинг ўзидаёқ жиғилдонига қуйди. Бу орада уй эгалари иш билан ташқарига чиқишганди. Пайтдан "унумли" фойдаланмоқчи бўлган ширакайф ўсмирнинг хаёлига: "Уйда ҳеч ким йўқ. Шундан фойдаланиб қолсаммикан...", деган шум фикр келди. У шкаф ичидаги нархи 35 минг сўмлик фотоаппаратни ўғирлаётган пайти хонага уй бекаси кириб қолди. Қилмиши фош бўлиб қолишидан қўрққан Омон мудҳиш жиноятга қўл урди: Насиба Рихсиеванинг кўкраги ва қорнига кетма-кет пичоқ санчди...

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. О.Ботиров ҳам қилмишига муносиб жазосини олди. Хўш, катта ҳаёт бўсағасида турган ўсмир бу қилмишни содир этмаслиги мумкинмиди? Мумкин эди. Зеро, маҳалла – тарбия маскани. Халқимизга хос барча олижаноб фазилатлар, аввало, ана шу масканда шаклланади, камол топади. Шундай экан, маҳалла фаоллари, қўни-қўшнилар, мактаб жамоалари, қолаверса, участка инспекторлари ёшлар, ўсмирларнинг юриш-туриши, таълим-тарбиясига эътиборлироқ бўлсалар, бундай қилмишларга ўрин қолмайди.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси.

ДУНЁ: ЯНГИЛИК ҲОДИСА ВОҚЕА ПАР

Россия:

НАТИЖАЛАР 7 МАРТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси президент сайлови натижаларини шу йил 7 март куни эълон қилади.

Бу ҳақда Россия МСК раиси Владимир Чуров матбуот анжуманида маълум қилган. У, шунингдек, ҳозир Россияда сайловни ўтказиш бўйича барча зарур чора-тадбирлар кўрилганини билдирган.

Яна бир хабар. 2008 йил 26 февралдан бошлаб Россияда мамлакат президентлиги учун ўтказиладиган сайлов натижалари башоратини оммавий эълон қилишни тақиқлаш ҳақидаги қонун кучга кирди. Бу анъанавий оммавий ахборот воситалари, шунингдек, интернет тармоқларига ҳам тегишли.

Перу:

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТИ

Перуда икки ойдан буён ёққан тинимсиз ёмғир кўплаб сув тошқинларини келтириб чиқарди.

Кофе, какао, ананас етиштириладиган минглаб гектар экин майдонлари сув остида қолган. Табиий офатдан 500 минг киши жабр кўрган, 20 га яқин киши қурбон бўлган.

Худди шундай ҳолат қўшни Боливияда ҳам содир бўлмоқда. Маълумотларга кўра, бу ерда 40 мингдан ортиқ одам бошпанасидан айрилган.

Норвегия:

ДУНЁ ОМБОРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Штицберген архипелагида ўсимлик уруғлари сақланадиган улкан омбор фойдаланишга топширилди. Ҳозирча бу ерда сайёрамиздаги энг ноёб 250 минг хилдаги ўсимлик уруғи сақланмоқда.

Ўсимлик уруғлари сақланадиган улкан ғорлар денгиз сатҳидан 130 метр баландликда жойлашган. Қоятошлар бағрида ўйилган бу ғорларга сув тошқинлари, ер ости силкинишлари ва ҳатто бомба зарбаси ҳам таҳдид сола олмайди. Шунингдек, омбор кутилмаган глобал ҳодисалар, масалан, Ернинг бошқа самовий жисмлар билан тўқнашуви, ҳаво ҳароратининг ўзгариши ёки ядровий уруш рўй берган тақдирда ҳам жуда асқотади.

Штицберген архипелаги Норвегия қирғоқларидан 500 километр узоқликда жойлашган. Бу жой сейсмик фаоллик жуда паст ҳудуд ҳисобланади. Улкан омборни бунёд этиш ишлари ўтган йилнинг март ойида бошланганди. Қурилиш ишларига 10 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди.

* * *

** Арманистонда мамлакат президентлиги учун ўтказилган сайлов натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Серж Саркисян сайловчиларнинг 52,8 фоиз овозини тўплаб, ғалаба қозонди.*

** Мексикада гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши йирик операция бошланди. Мамлакатнинг Америка билан чегарадош ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларнинг бирида наркотик контрабандаси билан шуғулланган 18 нафар одам ҳибсга олинган.*

** Куба парламенти мамлакатдаги энг юқори лавозим – Давлат Кенгаши раислигига Раул Кастрони сайлади. 76 ёшли сиёсатчи Фидел Кастро ишларининг давомчиси бўлди. Маълумки, Фидель Кастро Кубани 49 йил бошқарди. Аммо шу йил 18 ноябрь куни соғлиғи ёмонлашгани туфайли истеъфога чиқишга мажбур бўлганди.*

Интернет хабарлари асосида Шиддатбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

ТОНГДА ҚИЛИНГАН НИЯТ

ПУБЛИЦИСТИКА

Эрта тонгда турганингизда деразангиздан ёғилган оппоқ нурдан кўнглингиз шукроналик ва хотиржамлик ҳиссига тўлади. Зотан, инсон ҳар бир янги кунни шундай қаршиларкан, умри ўтиб бораётганидан ҳечам ўкинмайди, чунки юрагида ҳар саҳар юз кўришган тонглар билан бирга янги орзу-умидлар ҳам туғилади.

– Ҳар куни тўшагингиздан тўрт мучангиз соғ, бардам туришингизнинг ўзи чинакам бахт, болам, – дейди Нурмонбой бува. – Бунда Оллоҳнинг насибангиз улуғлигига ишораси бор, сендан ҳаракат, мендан баракат, деган даъвати бор.

Тонг нуридан баҳра олиб, нонуштани қилиб, соғинч билан ишга отланасиз. Тонг сизга насиба йўлини очади. Насибани эса осойишта, тинч юртда ўзингиз қўлга киритасиз. Йўқ, бу баландпарвоз гаплар эмас, бу сиз билан бизга оддийгина туюлган, аслида ҳаётнинг буюк эҳсонидир!

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, на еганида, на юрганида ҳаловати йўқ одамлар ҳам бор бу дунёда. Тонгларининг ранги йўқ, юракларидаги орзулари сўлганлар қанча... Ўзгаларни қўйинг, ўзингизни бўйланг. Сиз Ватанга, Ватан сизга қандай ярашади. Тонгларингизнинг тиниқлигига қаранг! Бир кунлик умр эса ўтиб бораётир.

Қуёш уфққа келди, бир кунлик умрингиз киприк қоққудек фурсат ичида ўтди. Нима қилдингиз, элга, юртга нафи тегадиган қай бир ишга қўл уролдингиз? Эл-юрт корига ҳисса қўшганингиздан мамнунсиз ва беихтиёр эсингизга яна тонг тушди. Бугуннинг хосияти тонгдан маълум эди, деб пичирлайсиз. Тонгда кўнглингизга туккан ниятларингиз ижобатидан шаҳдингиз баланд.

Меҳнатидан шавқ туйган одам уйига соғинч билан қайтади. Бу феълимиздаги бор хусусият. Ишдан хотиржам қайтдингизми, демак, ўтган кунингиздан кўнглингиз тўлган. Уйда сизни болаларингиз, умр йўлдошингиз, ота-онангиз кутиб туришади. Бўсағангизда тонгда тўшалган бир парча нур сизнинг дилингизни равшан қилади. Шу нур сизни эртанги тонгга етаклайди.

Баъзан нарх-наводан, ҳаёт ташвишларидан нолиб қоламиз. Лекин қўлимизни қаерга узатсак етишини, ҳар бир кунимиз тинч, осойишта ўтаётганини, ишлайман деганга имкониятлар эшиги очиқ эканлигини тан олгимиз келмайди. Ахир, баъзилар бир парча томорқасида ҳам кетмон чопишга эринганидан кейин нима ҳам дейиш мумкин.

Тонгда яхши ният билан қўлига кетмон тутган, пешона терини тўккан қайси жўмарднинг оиласи қийинчилик кўраяпти? Улар қўша-қўша уй солаяпти, қандини урсин!

Тонгда қилган ҳар қандай тилак кучингизга куч, белингизга қувват бағишлайди. Шунинг учун ҳам ниятни яхши қилинг, битмайдиган ишингизни битираман, деб ғайрат кўрсатинг. Дангасаликни ўлдиринг, енгил пул топиш йўлидан воз кечинг!

Ёши саксонлардан ошган бир оқсоқол ўлимидан бир кун олдин мен билан мириқиб гаплашди. У уч ўғлини уйли-жойли қилганини, энди неваралар тўйига тайёргарлик кўриб юрганини айтиб:

– Ҳар куни эрта туриб, Яратганга берган ризқ-насибаси учун шукрона айтаман, сўнг невараларимни тўйини ҳам кўриб, ўзинг ажалга сабр бер, деб илтижо қиламан, – деди.

Афсуски эртаси куни...

Мени ҳайрон қолдиргани инсон қалбини сўнгги нафасида ҳам орзу-умид тарк этмагани бўлди.

Тонгни ёруғ ниятлар билан кутиб олган кишининг куни, умри чароғон бўлишига Қуёш гувоҳ. Зотан, ҳур Ўзбекистоннинг оппоқ тонглари элни юксак мақсадларга чорлаётир!

Ҳамид ЖУМАН,
журналист.

Спорт

АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

Эртага мамлакатимизда футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати учрашувларига старт берилади

Бу йилги мавсум баҳсларини юртимиз футбол мухлислари ўзгача ҳаяжон ва интиқлик билан кутиб олишмоқда. Боиси, XVII миллий чемпионат ҳар йилгидан-да қизиқарли ва шиддатли ўтиши тахмин қилинаётир. Тажрибадан маълумки, қайси клубнинг моддий имкониятлари яхши бўлса, шу жамоа кўзланган мақсадларига эриша олади. Буни тўғри англаган Ўзбекистон Футбол федерацияси мавсумлар оралиғида жамоаларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга диққат-эътиборини қаратди. Жумладан, иқтисодий имкониятлари чекланган Тошкентнинг «Трактор» ва Сариосиёнинг «Тўпаланг» жамоалари олий лига учрашувларидан четлаштирилди. ЎФФ қарори билан улар ўрнига «Металлург» ва ОТМК футболчилари янги мавсумда кучлилар қаторида тўп сурадиган бўлишди.

Ишқибозлар мамлакатимиз етакчи жамоалари саналган «Пахтакор» (Тошкент) ҳамда «Нефтчи» (Фарғона)нинг хориж давлатларида ўқув-машғулот йиғинлари уюштирганлигидан хабардор. Бу йил эса маҳаллий футбол клубларимиз бу борада ҳам ишга янгича ёндошиб, мухлислар эътиборини қозонишди. Мисол учун, олий лиганинг беш иштирокчиси – «Сўғдиёна» (Жиззах), «Навбаҳор-Н» (Наманган), ОТМК (Олмалиқ), «Металлург» (Бекобод), «Қизилқум-Олтин» (Зарафшон) жамоаларидан ташқари барча жамоалар бир эмас, бир неча маротаба хориж давлатларида ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиб қайтдилар. Ана шу йиғинлар мобайнида мазкур жамоалар кўплаб ўртоқлик назорат учрашувларида майдонга тушишди ва кўплаб янги ўйинчиларни кўрикдан ўтказишга муваффақ бўлдилар.

Бошланаётган янги мавсум арафасида кўплаб жамоалар ўз таркибларида кутилмаган ўзгаришлар қилишнинг уддасидан чиққанликлари айниқса қувонарлидир. Мисол учун, ўтган мавсумнинг кумуш медали совриндори Тошкентнинг «Қурувчи» футбол клуби ўз таркибига мамлакатимиз миллий терма жамоасининг етакчи ўйинчилари саналган Сервер Жепаров, Тимур Копадзе, Анвар Солиев («Пахтакор»), Алексей Николаев («Актобе», Қозоғистон) ва Улуғбек Баҳоев («Тобол», Қозоғистон) билан шартнома имзолаганининг ўзи жамоа бу йил ҳам юксак натижаларни кўзлаётганлигидан дарак беради. Бу борада пахтакорчилар ҳам қурувчилардан қолишмаганлиги мухлисларни бефарқ қолдирмади. Жумладан, Миржалол Қосимов шогирдлари сингари бу йил Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган «Пахтакор» ўз таркибини янги ўйинчилар билан бойитишга ҳаракат қилди. Жамоа янги мавсум арафасида кўпчиликка яхши таниш бўлган Акмал Холматов, Нодир Қўзибоев («Нефтчи»), Дарко Маркович (Черногория) сингари бир қатор тажрибали ўйинчилар билан шартномалар имзолади.

Ўтган мавсумни бирмунча муваффаққиятсиз якунлаган Қаршининг «Насаф» жамоасида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборли. Миллий чемпионат арафасида жамоани мамлакатимизнинг тажрибали мураббийларидан бири Виктор Борисов қабул қилиб олди. Қолаверса, «Насаф» мавсумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида икки марта Анталия (Туркия)га сафар қилиб, бир қатор муҳим ўртоқлик учрашувлари ўтказишга муваффақ бўлди.

Эртага старт оладиган олий лига баҳсларининг дастлабки туридан бошлаб ишқибозлар қизиқарли ўйинларнинг гувоҳи бўлишларига шубҳа йўқ. Қуръа натижаларига кўра, мамлакатимизнинг номдор жамоалари биринчи турдаёқ ўзаро рўбару келгани сўзимиз исботидир. Амалдаги чемпион «Пахтакор» илк учрашувда «Нефтчи» жамоасини қабул қилса, «Навбаҳор-Н» Тошкентда Миржалол Қосимов шогирдлари меҳмони бўлади. Турнинг қолган ўйинлари ҳам мухлислар диққат-марказидан четда қолмаслиги шубҳасиз. 1-2 март кунлари, шунингдек, «Насаф» – «Динамо», «Андижон» – «Металлург», «Сўғдиёна» – «ЎзДонгЖу», «Бухоро» – «Локомотив», «Қизилқум-Олтин» – «Машъал», ОТМК – «Шўртан» жамоалари ўйинлари ҳам кутилмаган натижаларга бой бўлиши кутилмоқда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ.

Чечаклар мавжида нафис ҳислар бор,
Парку булутларда софлик барқарор.
Борлиқнинг завқини жо этиб дилга,
Хуш келдинг ўлкамга, қутлуғ навбаҳор!

Сулаймон Ҳайдар КАСБИЙ

Ёшлар илҳоми

СОКИН ТУН

Қишлоғимга чўкди сокин тун –
Бир тилим ой нурин сочади.
Тун ярмида бемаҳал вақтда
Деразамни кимдир чертади.

Ташқарига чиқиб ногоҳон,
Гувоҳ бўлдим ғалати ҳолга.
Ичкарида нур сочган чироқ
Капалакни чорлар ўзига.

Қайта-қайта келиб, уради,
Деразага капалак ўзин.
Ёнду томон етмоқ орзуси,
Лек тилакка етиши қийин.

Чироқ ўчиб билди капалак,
Интилгани бир сароб экан.
Бечорага ачиндим чиндан
Ёлғон тақдир қисмати экан.

Вақти келиб капалак куни
Тушмасмикин инсон бошига.
Кўзингизни очинг, одамлар,
Келинг энди, виждон қошига.

ИСТАК

Райҳонларнинг муаттар бўйи,
Шўх бодомнинг зангор гуллари,
Ариқдаги сувлар жилоси,
Сизлар билан қолгим келади.

Баҳоримнинг илиқ кунлари,
Хўб сокинки, ажиб тунлари,
Оймомонинг майин нурлари,
Сизлар билан қолгим келади.

Саъва қушнинг ажиб хонаси,
Янграётган она алласи,
Ёшлигимнинг гўзал палласи,
Сизлар билан қолгим келади.

Аслиддин ТОШТАНОВ

Тафаккур гулшани

Абу Али ибн СИНО

ЗАФАРНОМА

Дедим:
– Нима азоб келтиради?
Деди:
– Ёлғизлик.
Дедим:
– Нима кишини номусдан жудо қилади?
Деди:
– Таъма.
Дедим:
– Тавозенинг асоси нима?
Деди:
– Эл ичида обрў-эътиборга эга бўлиш ва бундан ўзига розилик ҳиссини туйиш.
Дедим:
– Кимдан чора излай?
Деди:
– Қуйидаги уч фазилатга эга бўлган кишидан: поклик, яхшилар муҳаббати ва юксак маърифат.
Дедим:
– Яхшилик нималарда кўринади?
Деди:
– Самимий хоксорлик, беминнат саховат ва бетаъма хизматда.
Дедим:
– Агар илм ўргансам, нимага эришаман?
Деди:
– Агар кичик бўлсанг улуғ ва машҳур агар қашшоқ бўлсанг бой ва бадавлат ва агар машҳур бўлсанг янада машҳурроқ бўласан.
Дедим:
– Бойликдан мақсад нима?
Деди:
– Одамлар ҳаққини ўз бўйнингдан соқит қилиш, ота-она таъминотини таъминлаш, душманларни дўстга айлантириш, дўсту душман билан муроса-ю мадорада бўлиш.
Дедим:
– Ейилмаса ҳам танга роҳат бағишлайдиган нарсалар қайси?
Деди:
– Яхшилар суҳбати, ёр дийдори, юмшоқ тўн, мўътадил ва хушбўй ҳид.

* * *

Лукмони ҳакимдан сўрадилар:
– Донороқ киши ким?
Деди:
– Дунё ва охират неъматига боқмайдиган киши.
Дедилар:
– Бойроқ киши ким?
Деди:
– Ақлга бой киши.
Дедилар:
– Шараф нима?
Деди:
– Ўзи охиригача етказиши керак бўлган ишни бировларнинг бўйнига юкламаслик.

(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор)

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

у бўлажак оналар тарбиясидан бошланади

Балоғат ёшига етаётган қиз болада турли биологик ўзгаришлар, ҳиссий кечинмалар юз бериши табиий. Бундай пайтда она қизининг биринчи маслаҳатгўйи, яқин сирдоши бўлиши лозим. Бунинг учун оналар наинки ўз тажрибасига таяниши, балки тиббий жиҳатдан ҳам етарли билим ва малакага эга бўлишлари муҳимдир.

Собир Раҳимов туманидаги Хислат маҳалласида ёш оналар учун ўтказилган «Балоғат даврида қизлар тарбияси" мавзусидаги ўқув семинари ана шу мавзуга бағишланди. Унда шу маҳаллада истиқомат қилаётган юзга яқин ёш оналар иштирок этишди.

Тадбирда туман «Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси раҳбари Маъсуда Тошпўлатова, 54-оилавий шифохона врачи Мавжуда Долимова ва бошқалар иштирок этиб, оналарга қизлар тарбиясининг нозик жиҳатлари ҳақида тиббий маълумотлар бердилар.

Азиза УСМОНОВА.

Ўқинг, бу - қизиқ!

ИККИНЧИ БУЮК ИХТИРО

Қадимда аждодларимиз ўзаро хабар алмашишда кабутарлардан фойдаланишгани ҳақида ўқиганмиз. Бугун бу каби масъулиятли юмушни тез ва осон бажарадиган техник воситалар жуда кўп. Шулардан бири эндиликда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолган телефондир.

Ҳозирги телефонлар турли-туман, қулай ва ихчам. Лекин унинг илк кўринишлари бошқача бўлган. Мутахассислар телефон аппарати бўйича изланишларни Шотландияда туғилиб, сўнгра АҚШда яшаган Александр Грейам Беллнинг ихтироси билан боғлашади. 1876 йил 14 февралда "Инсон нутқини узатиш учун телеграф қурилма иши" учун патент олиниши билан соҳага доир ишлар жадаллашиб кетди. Дастлаб телефон алоқалари Американинг йирик шаҳарлари ўртасида ўрнатилди. Шундан сўнг телефон тармоқлари Европада ҳам ривожлана бошлади.

Коммуникация соҳасидаги бу янгилик аста-секин бошқа давлатларга ҳам тарқала борди. Аммо Белл кашф қилган телефон узоқ масофадаги сўзлашувлар учун мўлжалланмаганди. Шу сабабли олимлар олис масофалардан туриб сўзлашиш имконини берадиган янги аппарат устида изланиш олиб боришди. Ниҳоят, 1878 йили кашф қилинган микрофон сўзлашувни узоқроққа узатиш имконини яратди. Шунингдек, телефон орқали узатилаётган овоз ҳам анча тиниқлашди. Натижада абонентлар сони кўпайиб, телефон тармоғининг кенгайишига эҳтиёж туғилди. Ўша йилиёқ АҚШда биринчи шаҳар телефон тармоғи ишга туширилди. Илк телефон станциялари эса 1879 йили Парижда, 1881 йили Берлинда иш бошлади. Ўша пайтда мижозлар сонининг ортиб бориши телефон тармоғида ишловчиларга катта муаммо туғдирди. Негаки, ҳар бир мижознинг исм-фамилиясини ёдда сақлаб қолиш осон эмасди. 1879 йили бир врач беморларининг касаллик варақаларини рақамлаб чиқади. Кейинчалик бу усулдан маҳаллий телефон компаниялари ҳам кенг фойдалана бошлайди. Шу тарика телефон рақамлари юзага келади.

Бугунги кунда кўпчилик қўл телефонлардан фойдаланади. Унинг асосчиси – Мартин Купер. У ўз ихтироси учун 1973 йил 17 октябрда патент олган. Бунгача ҳам ихчам ва кўтариб юриш осон телефонларни ихтиро қилиш бўйича изланишлар олиб борилган. 1956 йили сотувга чиқарилган шундай телефон муваффақият қозона олмади. Чунки унинг оғирлиги 35 килограмм бўлиб, уни фақат машинада олиб юриш мумкин эди. 1973 йили "Motorola" компанияси ихчам аппарат яратишга муваффақ бўлди. Бўйи ва эни 15, қалинлиги 5 сантиметр бўлган бу телефон "Dupa-Tac", деб номланган. Лекин унинг аккумулятори фақат ярим соатга етарди. Шу сабабли бу телефонни такомиллаштириш зарур эди.

1983 йилга келиб уяли телефон оммавий ишлаб чиқарила бошланди. Микропроцессорларнинг яратилиши эса ихчам телефон аппаратларининг кўпайишига туртки берди. Айниқса, бу ишларда "Ericsson" компанияси фаол иштирок этди. "Nokia" компаниясининг "Mobira Cityman" аппаратининг яратилиши уяли телефонлар соҳасида рақобатнинг кучайишига олиб келди. Мазкур компания 1996 йили нафақат қўнғироқ қилиш, балки электрон почта, факс юбориш ва интернетга уланиш имконини берувчи қурилмаларни ихтиро қилади. Компаниянинг айрим моделларида WAP (расмлар, мусиқалар юбориш имконини берувчи тизим) ҳам мавжуд эди.

Хуллас, бугунги телефон қурилмалари алоқанинг барча шаклларини ўзида мужассамлаштириб бормоқда. Айнан телефоннинг кундалик ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эгалигини эса таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ
тайёрлади.

Сахий бўлиш жуда осон, қийини — адолатли бўлиш.
Виктор Гюго

Тиббиёт

"МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ..."

Шифокорларни мадҳ этувчи машҳур қўшиқдан олинган ушбу сатрда мазкур соҳа фидойиларга эҳтиром ғоятда самимий, содда ифодасини топган. Зеро, малакали шифокор қўлидан дардига оройиш етган беморнинг миннатдорлиги, севинчи чин эътирофнинг намунасидир.

– Кўраяпман! Кўраяпман! Кўзларим кўраяпти!..

Қувончдан юраги ҳапқирган беморни шифокор тинчлантиришга уринди:

– Ҳаяжонланманг, сизга ҳозир ҳаяжонланиш мумкин эмас. Ҳаммаси яхши, энди кўзларингиз кўрадиган бўлди.

Жарроҳлик амалидан сўнг кўзларига нур инган андижонлик 58 ёшли Ботир Мадаминов ёруғ оламни яна кўриш бахтига муяссар бўлди. Унинг иккала кўзи ҳам ожиз бўлиб қолган эди.

– Бўкадаги шифохонада ишлаётган Эркин дўхтирнинг қўли енгил экан, мутлақо кўрмай қолган кўзларни ҳам очар экан, деган гаплар Самарқандга ҳам етиб борди, – дейди яна бир бемор Шароф Шарипов. – Қанот боғлаб учиб келдик. Орадан кўп ўтмай кўзларим тузалди. Кўзларимга қайта ҳаёт бағишлаган шифокорим Эркин Каримовга мингдан-минг раҳмат айтаман, қўли дард кўрмасин.

Бундай эътирофларни кўплаб келтириш мумкин. Фарғоналик Хурматой Саидалиева, қирғизистонлик Акбар Темирхонов, тожикистонлик Курбон Мансуров, қозоғистонлик Михам Юнусметов ва яна кўплаб шифо топган инсонлар бу шифокорга таҳсинлар айтишган.

Кўз одамнинг энг муҳим аъзоси. Турли сабаблар билан кўзи хасталанган кишиларга ёрдам беришни – кўз шифокори бўлишни Эркин Каримов ёшлигида орзу қиларди. 1986 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтини битиргач, у билимини, малакасини ошириш учун устози Республика кўз микрохирургияси институти раҳбари Зафар Сиддиқовнинг этагидан тутди. Моҳир олим кўмагида ёш мутахассис институтда олган назарий билимларини чуқурлаштирди, илғор усулларни амалиётда дадил қўллай бошлади. Айни пайтда бу қўли енгил жарроҳнинг таърифини эшитган, қўшни республикалардаги беморлар ҳам шифо истаб унинг қабулига келишаётир.

Бўка тумани марказида жойлашган "Дорус-салом" хусусий даволаш ва ташхис марказининг шифокори Эркин Каримовга бир ойда мурожаат этадиган беморлар сони уч юз нафардан ошади. Уларга шифокор тезда ташхис қўйиб, муолажа усулини тайинлайди. Зарур ҳолларда жарроҳлик амалига киришади. Бир ойда қирқ-элликтагача шундай операциялар амалга оширилади. Уларнинг қандай натижа бераётгани биз юқорида келтирган беморларнинг дил изҳорларида аниқ ифодаланган.

Кўз микрохирурги Эркин Каримов бугунги кунда шогирди, шифокор Муяссар Ҳусанова билан кўз ички қон босимининг ошиши, ғилайлик, кўз ёши йўлларининг касалликлари, кўз гавҳарининг хиралашиши каби хасталикларни муваффақиятли даволамоқда. Таъкидлаш жоизки, Аҳат Суннатуллаев раҳбарлигидаги "Дорус-салом" даволаш ва ташхис марказида турли даражадаги кўз микрохирургияси муолажалари ва операцияларини амалга ошириш учун шифокорларга ҳам, даволанаётган беморларга ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Ирода ТОҒАЕВА.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилояти Кенгаши жамоаси Боғот тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Илҳом Қурбоновга турмуш ўртоғи **Шукуржон АБДУЛЛАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Бош муҳаррир
Холтўра ШАФОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; факс – 233-40-86; котибият – 236-55-96; реклама бўлими – 233-41-89

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси – 100
Навбатчи муҳарри – Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи – Фарҳод ЭСОНОВ
Саҳифаловчи – Латифжон ТУРСУНОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 100. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 2787. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.40 1 2 3 4 5